



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT BOJXONA
QO'MITASI**

100003, Toshkent shahri,
Islom Karimov ko'chasi 3 uy.
tel.: (998-78) 120-76-00,
faks: (998-78) 120-76-41

“24” 03 2021 yil

Nº 05/15 - 02269

**Божхона брокерлари
уюшмаси**

Тошкент ш., Яшнобод тумани,
Фарғона йўли кўчаси, 11 уй

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 июлдаги “Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида” 605-сон қарори, Давлат божхона қўмитасининг “Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) ва “Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлари (рўйхат рақами 3220, 2020 йил 10 февраль) талабларидан келиб чиқиб, электрон божхона юк декларацияси (БЮД) ва БЮДни тузатиш шаклининг (БДТ) электрон шакллари ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳолда қайта тасдиқланиб, ДБҚнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилди.

Киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан БЮДнинг 44-графасида Божхона юк декларациясини тўлдиришда фойдаланиладиган хужжатлар ва маълумотлар турлари таснифлагичига асосан “804” тартиб рақами остида жўнатувчи мамлакатнинг экспорт божхона декларациясига оид маълумотларни (божхона (божхона пости) коди, декларация рўйхатга олинган сана, декларациянинг тартиб рақами) алоҳида майдонларда кўрсатиш белгиланди.

Шунингдек, Россия, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Беларусь давлатларига тегишли божхона декларацияларининг рўйхат рақами асосида божхона (божхона пости) коди, декларация рўйхатга олинган сана ва декларациянинг тартиб рақамини аниқлашда фойдаланиш учун тавсиявий маълумот қайд этилди.

Маълумот учун: ўзгартириши ва қўшимча киритилган майдонларда маълумотларни кўрсатишида Россия, Қозогистон, Қирғизистон, Беларусь, Тожикистон давлатларининг экспорт божхона декларацияларига тегишли маълумотлар (божхона (божхона пости) коди (1), санаси (2), рақами (3)) декларациянинг рўйхат рақами асосида қўйидагича аниқланади:

Россия Федерациисига тегишли декларацияда – XXXXXXXX/XXXXXX/XXXXXX

1 2 3

Қозогистон Республикасига тегишли декларацияда – XXXXX/XXXXXX/XXXXXX

1 2 3

Киргизистон Республикасига тегишили декларацияяда – XXXXXXXX/XXXXXX/XXXXXX

1 2 3

Беларусь Республикасига тегишили декларацияяда – XXXXXX/XXXXXX/XXXXXX

1 2 3

Тоҷикистон Республикасига тегишили декларацияяда – XXXXXX/XXXXXX/XXXXXX

1 2 3

Декларацияловчи шахслар 2021 йил 10 апрелдан бошлаб БЮД ва БДТларни мазкур тасдиқланган электрон шаклга асосан тақдим этишлари лозимлиги сабабли, БЮДни тўлдириш учун мўлжалланган дастурий таъминотларни ишлаб чиқсан дастурчи ташкилотлар ва декларацияловчи шахсларни бу ҳақда хабардор этишда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

**Ташқи савдо операциялари мониторинги
ва божхона статистикаси бошқармаси
бошлиғи**



Ж. Маннапов